



ҚАТАР АМИРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДАГИ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан 13 июль куни ўтказилган телефон орқали мулоқотида олий даражадаги келишувларни амалга ошириш, йирик инвестиция лойиҳаларини тайёрлашни жадаллаштириш ва уларни илгари суриш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Қатар Амири Ўзбекистон етакчиси-ни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда қозонган ишончли ғалабаси билан дилдан қут-лади.

Дўст Қатар халқи номидан Ўзбекистон раҳбари ва кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик, барқарор тараққиёт ва раванқ тилади. Етақчилар жорий йил 5-6 июнь кунлари Қатар Амирининг Ўзбекистон

Республикасида давлат ташрифи давомида қабул қилинган битим ва келишувларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича зарур чоралар қўришга келишиб олдидлар.

Яқин фурсатда қўшма Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ҳамда икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокида бизнес форумини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ БИЛАН ФАОЛ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июль куни

Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси Ташқи алоқалар кўмитаси раиси Фуат Октай бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Фуат Октай Ўзбекистон етакчисига унинг Президент сайловидаги ишончли ғалабаси муносабати билан қардош Туркия Президенти ва халқининг самимий табриklarини етказди.

Туркия томони Ўзбекистон Президентининг аҳоли фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган прагматик сиёсатини юксак баҳолаши ва тўлиқ қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Музокаралар чоғида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш

ҳамда олий даражада қабул қилинаётган қарорлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари парламентлараро ҳамкорлик гуруҳларини ташкил этиш ва тегишли "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш юзасидан эришилган келишувларни олқишлади.

Шунингдек, учрашувда ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва авиақатновларни кўпайтириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини илгари суриш, қўшма маданий-гуманитар тадбирларни ўтказиш бўйича мувофиқлашган чоралар қўрилиши муҳим экани таъкидланди.

Ў.А.

Каттақўрғонда М-500 маркали цемент ишлаб чиқарилади

Каттақўрғонда барпо этилаётган "SES Samarqand tsement" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона нафақат мазкур туман, балки Самарқанд вилоятидаги энг йирик истиқболли инвестиция лойиҳаларидан бири ҳисобланади.

Умумий қиймати 340 миллион АҚШ доллари бўлган, қарийб 39 гектар ерда қурилаётган ушбу корхонада йилга қарийб 3 миллион тонна М-400 ва М-500 маркали сифатли ва экспортбоп цемент ишлаб чиқариш мўлжалланган.

– Ҳозирда қурилиш ишларида 1800 дан ортиқ маҳаллий ва хитойлик ишчилар меҳнат қилмоқда. – деди корхона раҳбари ўринбосари Гуансинг Жу Ў.А

мухбири Фалиб Ҳасановга. – Заводнинг ишга тушиши билан 500 нафардан ортиқ каттақўрғонликлар доимий иш ўрнига эга бўлади. Шунингдек, дастлабки босқичда 80 нафар хитойлик ишчилар улар билан бирга ишлаб, касб кўникмаларини ўргатади.

Цемент заводини шу йилнинг сентябрь ойида ишга тушириш кўзда тутилган.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ КЎНГИЛЛАРГА СУРУР БАҒИШЛАМОҚДА

Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кўнгли ўсган одамнинг бўйи ҳам ўсади, деган гап бор. Шу гапни бугун мамлакатимиз архитектураси ёки замонавий тус олаётган шаҳарсозлик тармоғи учун ҳам қўллаш мумкин.

Чиндан ҳам кейинги йилларда Ўзбекистон шаҳарлари бўйига қараб ўсиб бормоқда. Бир пайтлар икки қаватли уйдан бошқасини тасаввур қилиб бўлмайдиган олис ҳудудларда бугун осмонга бўй чўзиб турган кўп қаватли уйлارни учратиш мумкин. Дейлик, Самарқанд шаҳрининг шундоққина ёнгинасидаги Тойлоқ туманида 12 қаватли уй қурилишини атиги 6 йил олдин ҳеч ким тасаввур қилмаган. Энди эса нафақат тасаввур қилиш, балки реал ҳаётда кўриш, ичига кириб яшаш ҳам мумкин.

Демак, уй-жой қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ишлар одамларнинг тасаввурини ҳам ўзгариштириб юбормоқда. Кўришнинг ўзидаёқ кўнглига ғурур бағишлайдиган бундай уйларида яшаётган одамларнинг кайфияти ҳам шунга яраша бўлиши табиий. Сўнги йилларда Тойлоқнинг биргина "Чаробон" массивида 21 та кўп қаватли уй-жойлар қурилди. Ҳаммаси 4 ҳамда 12 қаватли уйлар. Сурхондарё-



Суратларда: Қарши шаҳрининг Наво маҳалласидаги турар жойлар. president.uz сайтидан олинди.

нинг "Янги Денов" турар жой мажмуасида эса қурилган уйлarning энг пасти 7, энг баланди 16 қаватли. Бугун бундай 16 қаватли уйлари мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида учратиш мумкин. Уларнинг барчаси замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб беради.

Утган йиллар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда иккита долларб муаммо бўлса биттаси, битта бўлса ҳам ушунинг ўзи аҳолининг эҳтиёжманд қатламини уй-жой билан таъминлаш муаммоси эди. Биргина уй-жой муаммоси ҳал бўлган инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги бошқа муаммолари ҳам барҳам топади аслида. Шу сабаб ҳам мамлакатимизда мазкур масалага сўнги йилларда жи-

дий эътибор қаратилди. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб 326 мингта янги уйлар фойдаланишга топширилди. Бу даврда уй-жой билан таъминлаш аҳоли жон бошига 18 физга ошди. Янги турар жой массивларининг қад ростлаши натижасида минг-чинглаб оилалар ўз уйига эга бўлди. Бунинг учун банклар сўнги 3 йилда 210 минг оилага 33 трлн сўмлик ипотека кредитлари ажратилиб, эҳтиёжманд 73 минг оилага бошланғич бадал ва фоиз тўловлари учун 1,3 трлн сўм субсидия берилди.

Кўп қаватли уй-жойларни куриш аҳолини арзон ва сифатли хонадонлар билан таъминлаш бўйича ишлар юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам жадал олиб бормоқда. Биргина Тойлоқ туманининг Чаробон маҳалласидаги кўп қаватли уйлар бунга мисол. Мазкур майдон аввал фойдаланилмайдиган ташландиқ ер бўлган бўлса, бугун 3,5 гектар майдонда 21 та кўп қаватли мухташам уйлар қурилиб битказилши натижасида 1 200 дан зиёд хонадонлар фойдаланишга топширилди. Бу албатта, шунча оиланинг уй-жойли бўлиши ҳамда шунча оилага хурсандчилик олиб келиши дегандир.

– 4 та 4 қаватли уч подъездли 96 та хонадонли арзон турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. – деди Тойлоқ тумани ҳокими ўринбосари Сардор Эралиев. – 2023 йилда 2 та 12 қаватли 72 хонадонли уй-жойлар қурилиши давом этмоқда. Бундан ташқари, Бирлик маҳалласида 27 гектар майдонда 55 та кўп қаватли уй-жой, 1 680 ўринли мактаб, 2 та ҳар бири 200 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қурилиши белгиланган. Ҳозирги кунда мазкур объектларнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари расмийлаштирилмоқда. 2018 йилгача "Қишлоққурилишнинг" инжиниринг компанияси буртмаси асосида 2-3 қаватли уйлар қурилиб келинган. Ҳозирги кунга келиб, замон талабидан келиб чиққан ҳолда 12 қаватли шинам, арзон уй-жойлар фойдаланишга топширилмоқда.

2019-2022 йиллар давомида олиб борилган бунёдкорлик ишлари эвазига Тойлоқда ҳам замонавий ва барча шароитларга эга бўлган кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бундан эса аҳолининг мамнунлиги чексиз.

– Кўп йиллар давомида уй-жойга эҳтиёжимиз бўлган. – деди Дилрабо Турсунова. – Тойлоқда шундай уй-жойлар қурилаётганини эшитиб, жуда хурсанд бўлганмиз. Кўчиб кирганимизга икки йил бўлди, уйларидаги шароитлар жуда яхши. Бундай шароитларда яшаш хаёлимизга ҳам келмаганди. Фарзандларимиз ҳам яйраб катта бўлишди. Ҳамма бу уйлар ёзда жуда иссиқ бўлса керак деб ўйлайди. Аксинча, қишда иссиқ, ёзда салқин ҳарорат унинг ичиди сақланиб туради. Давлатимиз томонидан халқимизга берилган шундай ғамхўрлик, имкониятлардан кўплар қатори биз ҳам мамнунмиз.

Этиборлиси, барпо этилаётган уй-жойлар аҳолининг эҳтиёжини қоплаш баробарида кўп йиллар давомида ватан ичра ватани бўлиш истагида юрганлар учун ҳам имконият бўлмоқда. Мазкур уйларида бугун алоҳида давлат имтиёзи билан кўчиб кирганларнинг қувончи янада чексиз.

– 8 йил давомида уйга муҳтож бўлиб, ижарама ижарада юрганмиз. – деди Анара Имомова. – 3 хонали уйни 160 миллион сўмга ололмадик. Суриштириб, ҳокимиятга мурожаат қилганимиздан кейин давлатимиз томонидан 160 миллион сўмга боҳолаб, 18 миллион сўм бошланғич тўловини тўлаб, шу уй-жойларга эга бўлдик. Бундан биз давлатимиздан чексиз миннатдоримиз.

Тахлилларга кўра, ҳар йили мамлакатимизда 300 мингта яқин никоҳлар қайд этилади. Келгуси йилларда аҳоли сони эса 38 миллионга етиши тахмин қилинмоқда. Бу эса янги уйлар қурилиши кўламини шунга мувофиқ кенгайтиришни талаб этади. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудда бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивлари эса бунда муҳим ўрин тутди.

Туманларда обод манзиллар кўпаймоқда

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Пахтачи туманида ҳам обод манзиллар сони ортмоқда. Уларда аҳоли учун қулай шароитлар яратишга жиддий аҳамият қаратилаётганлиги аҳоли фаровонлигини ошириш билан бирга, ютуқлар сари чорлаётгани қувонарлидир. Туманининг "Сардоба" маҳалла фуқаролар йиғини шундай масканлардан бири. Бу ерда ижтимоий объектлар, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларга оид шохобчалар, муассасалар барпо этишга эътибор кучайтириляпти.

Айни пайтда Султанообод қишлоғидаги 6-умумтаълим мактаби учун қўшимча бино барпо этилмоқда. Инвестиция дастурига мувофиқ қад ростлаётган ушбу объектга Шухрат Пайзиев раҳбарлигидаги "Амирбек монтаж-қурилиш" МЧЖ

бош пудратчи бўлиб, лойиҳа ишларини "Samprojekt" МЧЖ бунёдкорлари амалга оширган. Қурилишнинг лойиҳа қиймати 2 миллиард 102 миллион сўмни ташкил этади.

Буюртмачи ташкилот – вилоят ҳоким-

лигининг "Ягона буюртмачи" инжиниринг компанияси вакили маълумотига қараганда, ушбу замонавий таълим даргоҳи сентябрь ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Айтиш кераки, "Samprojekt" МЧЖ жамоасининг вилоятдаги бошқа қурилиш ташкилотларига қараганда рейтингини анча баланд. Улар бир неча ишлаб чиқариш цехлари ва замонавий техникаларга эга. Шу сабабдан бажараётган ишлари доимо сифатли.

Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги Чайкал маҳалласида ҳам қурилиш ва ободонлаштириш ишлари авж олган. Бу ерда бунёдкорлар 41-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини реконструкция қилишмоқда. Пудратчи "Жамшиддон универсал савдо" корхонасининг иш юритувчиси Сухроб Ўринов-

нинг таъкидлашича, ҳозирда ишлар жадал суратда давом этаёпти. 90 ўринли боғчада реконструкциядан сўнг кичкинтойлар учун барча зарур шароитлар яратилади. Чунки "Мароқанд бунёдкор қурилиш" МЧЖ лойиҳачилари болаларнинг муносиб тарбияланиши, униб-ўсиши учун барча имкониятлардан фойдаланишмоқда. Зеро, бу ташкилотда ишлаётган 30 нафарга яқин мутахассис вилоятдаги қатор қурилишлар, айниқса, таълим муассасаларига сифатли лойиҳалар тайёрлашда катта тажриба тўплаган.

Қачонки, чекка ҳудудлар ҳам ривожланиб, бунёдкорлик ишлари кўпайса, мамлакат тараққиёт сари янада дадил одимлашда давом этади. Бу борада Самарқанд вилояти туманларида амалга оширилаётган ишлар фикримизнинг далилидир.

ҚАҲРАМОН – курашишдан тўхтамайди

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Шундай фидойи инсонлар борки, улар кўп ҳолда диққат марказимизда бўлавермайди. Бугун ана шундай шижоатли ва меҳнаткаш инсонлардан бири – Артём Секинаев ҳақида ҳикоя қиламиз. Қаҳраонимиз бугунги кунда Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги "Feniks ART Servis" МЧЖ бошқарув сервис компанияси раҳбари сифатида фаолият кўрсатади.



Юсқак ёғлар билан яшагача интиладиган Артём Секинаев 1991 йил 4 октябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Болалигидан ёлғонни ёқтирайдиган қаҳрамонимиз ростгўйликни ўзига широк қилиб улғайди. Шунданми, одамларга тик қараб, муаммоларга ечим топишдан қочмайди. Унинг айтишича, бирда панд берса бергандиру, аммо атрофдагиларга ёш Артёмни ростгўй ийигит сифатида танитган нарсаси – дангаллигидир. Мактабни битириб, Тошкент давлат техника университетининг Авиация факультетига ўқишга кирди. Уқиш йилларида унинг ҳаракатчанлиги, устозларга бўлган ҳурмати билан ажралиб турарди. Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғофуров айтганидай, "Одам дунёга нон-хўрлик учун келмайди, машаққат учун туғилмайди. Меҳнат ва машаққат одамни одам қилади. Тирчиликнинг қасри шу иккисидан бунёд бўлади".

Артём Секинаев олийгоҳни тамомлаб, аэропортда иш фаолиятини бошлади. Ишонча узокроқда жойлашгани боис, қатнов масаласи бироз муаммо туғдирарди. Аммо Артём барча қийинчиликларга имконият деб қарарди. Кунлар шу зайл ўтаётган бир пайтда унинг тақдирини ўзгартирадиган воқеа содир бўлди. Артём Секинаев қандай қилиб коммунал соҳага кириб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Йиллар давомида ёмғирли ҳавода унинг ҳар еридан томчи томарди. Муаммони ҳал қилиш умидида Артём ширкатга мурожаат қилади. Аммо зўрма-зўраки ишлайдиган, хизмат кўрсатиш ҳаминқадар бўлган тизим қаҳрамонимизни овера қилишдан бошқасига ярамади. Кузда бориб, баҳорни кутди, баҳорда борганда эса ёзни кутишини айтишди. Афсуски, ёз келса келдики, иши битмади. Табиийки, у ярим йўлда тўхташни истамасди.

Қўшнилари билан биргаликда пул йиғиб, ширкатга беришди. Ширкатдагилар эртадан ишни бошлашларини ваъда қилишди, шу билан бир ҳафта ўтса ҳамки қораларини кўрсатишди. Қаҳрамонимиз ширкатга бориб, сарф-харажат чекини сўради. Чек эса йўқ... Қўшнилар олдига хижолат бўла бошлади. Вазиятни яхши англаган Артём ҳокимиятга шижоат қилди. Охири, ҳоким топшириғи билан таъмирлаб беришга мажбур бўлишди.

Узоқ вақт давомида алдовга кўникиб қолган, натижадан умид узган одамлар Артём Секинаевга кўп қаватли уйни бошқаришни ўз зиммасига олишни илтимос қилишди. Узоқ масофага қатнашдан чарчаган қаҳрамонимиз шу тариқа аэропортдаги ишдан бўшаб, ширкатга қарашли 7 та кўп қаватли уйдан биттасини бошқаришга киришди. Қолганларини икки ойдан кейин – ширкат раиси нафақага чиққач, ҳисобига



ўтказишга келишишди. Аммо ширкат раиси атай ҳисобидаги олтига кўп қаватли уйни бошқаларга тарқатиб юборарди. Мақсад – ширкатга қарашли офиснинг катлақдай хонасида ишлаётган Артём Секинаевни кетказиш эди.

Аммо ўз ишига жиддий қарайдиган Артём маҳалладошлари орасида хурмат ва ишонч қозониб улғурганди. Унинг самарали иш юритиш услубини кўрган бошқа кўп қаватли уйлар, жумладан, тарқатиб юборилган 6 та кўп қаватли уйдагилар ҳам бу ширкатга ўтиш учун ўз ихтиёри билан келишди. Алалоқибат, қаҳрамонимизни кетади, деб ўйлаганларнинг ўзлари жуфтаси ростилади. Аҳолига муаммоларни ечадиган одам керак. Қаҳрамонимиз эса айтган сўзининг устидан чиқадиган, жуда кам ухласада, ўз ишини пухта қиладиган инсон.

СИЗ, РАЪНО ОПАМИСИЗ?

– Дастлабки кўп қаватли уйни бошқаришни бошлаганимда, атиги биттагина қоча тазаловчи (дворник)ни ишга олдим,

– деди қаҳрамонимиз. – Фақат, кечаси ишлашга келишиб олдик. Кўни-кўшнилардан уялаётганини сездим. Тарқатиб юборилган олтига кўп қаватли уй ҳам ҳисобинга ўтган, тажрибали ҳисобчиға эҳтиёж сеза бошладим. Кўпчиликнинг тасвииси билан аввал ҳам шу ҳудуддаги кўп қаватли уйларга ҳисобчилик қилган Раъно опанинг ёнига бордим. Қизини боғчадан олиб келаётган опани йўлидан чиқиб, шартта "Сиз Раъно опамисиз? Эртадан менда ишамасангиз бўлмайди", деганман. Ҳайрон бўлиб қолган, чунки нотаниш одам келиб, тўсатдан иш таклиф қилляпти. "Уйдагилар билан маслаҳатлашиб, эртага жавобини айтман", деди. Эртани ўзидаёқ ишга чиқмасам бўлмаслигини ётиғи билан тушунтирганимдан сўнг ҳали кўпчилик ишонмаётган бир пайтда ўша куннинг ўзидаёқ рози бўлди. Мана, неча йилдирки, биргаликда ишлаб келяпмиз.

Дарҳақиқат, темирни қизғида босган Артёмнинг ишлари бароридан кела бошлади. Фаолияти кенгайиб, 50 та кўп қаватли уйни бошқара бошлади. Иш ҳажми ошгани сайин камчиликлар ҳам кўзга ташланиши табиий. Кўп йиллик кузатишларидан сўнг қаҳрамонимиз ишни марказлаштириб кераклигини тушунди. 2015



йилга келиб "Feniks ART Servis" МЧЖ профессионал бошқарув сервис компаниясини ташкил қилди. Ишчилар сонининг камайиши, аниқроқ айтганда, керакисиз иш шатлари қисқариши ҳисобиға иқтисодий баланс яхшиланди. Ширкатларнинг энг катта хатоларидан бири, бошқарув тузилмасида одам кўп бўлгани ва маблағнинг асосий қисми уларга ойлик сифатида тўланиши эди.

Бошқарув сервис компанияси бу муаммоларга барҳам бера олди. Бу – 10 та ширкатни ўнта бошлиқ ва 10 та ҳисобчи эмас, 10 та ширкатни битта компания бошлиғи бошқаради, дегани. Айнан шу ақли стратегия туфайли компания аҳоли ишончига сазовор бўлди. 50 та кўп қаватли уйға хизмат кўрсатувчи чилангарлар сонини 4 нафардан 18 тагача оширган Артём хизмат кўрсатишдаги узилишларнинг олдини олди. Бугунги кунга келиб компания ҳисобидида 140 та кўп қаватли уйда 20 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улар билан келишиб ишлаш ва рози қилиш осон эмас. Қолаверса, компания ўз офисини қуриш жараёнида яна бир ақли "юрини" амалга оширди. Офис биносини энг намунали маҳаллада эмас, муаммоли ҳудудда қуриш орқали ўша ердаги аҳолининг кўплаб камчиликлари барҳам топди.

МУВАФФАҚИЯТТА БИР КИШИ ЭРИШМАЙДИ

Ҳаммамиз ғалаба ва муваффақиятларга интиламиз. Аммо унутмаслик лозимки, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса, донни чиқмас деганларидек, катта натижаларга инсон бир ўзи эриша олмайдди. Артём Секинаев ҳам муваффақиятлари

неғизда давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлови далда бўлгани ҳақида алоҳида тўхталиб.

– Президентимизнинг 2018 йил Юнусобод туманига ташрифи чоғида бошқарув сервис компанияларини ташкил қилиш масаласи илгари сурилди. Илк бор кўп қаватли уй-жойларни БСКларга бериш амалиёти Юнусобод ва Чилонзор туманларида йўлга қўйилганидан хабарингиз бор. Даставвал, Юнусобод тумани ҳокимининг 2019 йил 1226-сонли қарори билан Бошқарув сервис компаниялари ўртасида очик танлов ўтказилди. Биз ана шу танловда ғолиб бўлдик. Айтишим керакки, бу ерғача етиб келишимиз ўзи бўлмади. Бу даражага эришимизга далда бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, биз шу инсонга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Шунингдек, соҳадаги ютуқларимда онаминг ҳам ўрни катта. Онам илк бор соҳага кириб келишимдан то шу кунгача меҳрибон сунячиғим, дуоғўйим бўлиб келяпти. Онаминг исми Анжелика. Жуда хотиржам ва меҳрибон инсон. Коммунал соҳада энди иш бошлаган пайтимида рўча ва дафтарларимгача олиб берганини эсласам, ичиндан аллақандай хис ўтади. Баъзан чарчаб, ишдан кетмоқчи бўлиб қолсам, онаминг, "Артём, эртагача ахшилай дам ол. Кейин яхшилаб ўйлаб, қарор қиласан", дерди. Ростан ҳам, эрталаб янги куч билан ўйғониб, фикримдан қайтаманда, ана ишга шошиб кетаман. Ишонваринг, онамиз бу ютуқларнинг ҳеч бирига эриша олмас эдим.

БИР КЕЧАГИНА ТИНЧ УХЛАЙ!

Хабарингиз бор, бу йилги аномал совуқ барчамизни бир қарра имтиҳондан ўтказди, десак адашмаган бўламиз. Мазлум муддат давом этган бўлсада, ўша пайтдаги жараён кўпчилик учун осон кечмади. Аномал совуқ манзараларини Артём Секинаев куйидагича тасвирлайди:

– Бир вақтинг ўзида электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиши оқибатида авария ҳолатлари кўплаб содир бўлди. Уларни тиклаш учун анча вақт талаб қилинарди. Телефон кўнғироқлари бир дақиқа ҳам тинмади. Ҳеч ким тушунишни истамас, фақатгина муаммони ҳал қилишимизни кутарди. Ходимлар кечаю кундуз тўхтамасдан ишлашди. Тинимсиз босим сабабли кўпчилик ишдан бўшаб ҳам кетди. Уларни яхши тушунаман. Ҳатто оиласига ҳам вақт ажратолмай қолди. Шу-қрки, бу вазиятдан эсон-омон ўтиб олдик. Намангандан бир гуруҳ йилгилар келиб ёрдам беришди. Офис олдига ҳар кунги тумонат одам йиғиларди.

Ташқаридан қараганда, ишимиз осон кўриниши мумкин. Аммо бу ерда ҳалқ бор, юрагимиз уларнинг юрағига ҳамоҳанг уради, дардлари дардимизга айланади. Кимдир бизни тушуниши истамасан бўлса, кимдир ёнимизга келиб далда бўлиб турди. Шу қадар руҳан чарчадимки, бошимга нимадир кийиб-киймаганимни ҳам унутдим. Аномал совуқдан сўнг докторга боришга мажбур бўлдим. Одамлар дардини ўзинга ақин олишим, тинимсиз кўнғироқлар, муттасил чароқ оқибатида ҳар кун ишдан кетиш ҳақида ўйлардим. Уйға бориб ётиққа бош қўйишдан олдин, "Бир кечагина тинч ухлай, Худойим", деб дуо қилардим. Ўша пайт бир кун тинч ухлаш мен учун катта хазинадай гап эди.

ТИЗИМЛАШГАН ИШ УСЛУБИ

Артём Секинаевни коммунал соҳада етакчи раҳбарлардан бири, деб бемалол айтишимиз мумкин. Нафақат соҳадаги анча йиллик тажрибаси, балки ақли интеллектли қўқорлиғи билан ҳам қолганлардан ажралиб туради. Ҳўш, қаҳрамонимиз 20 минг одамнинг кўнғилини топиши қандай уддалайди? Бу ҳақида ўзидан эшитамиз:

– Ҳар кун эрталаб ходимларим билан йиғилиш ўтказаман. Кунлик ҳисобот тизимини ташкил қилганмиз. Дейлик, 140 та кўп қаватли уй бўлса, ҳар бирига алоҳида дафтар очилиб, қилинган ишлар ҳисоботи йиғиб борилади. Ҳисоботнинг видео, расми, ёзув кўринишлари бор. Офисимизга келганларга катта мониторда қилинган ишлар кўрсатиб берилади. Базилар шижоат билан келганда видеони кўриб ҳайрон бўлишади. Шундайлари борки, ўз уйлари уйлари танишга қийналади. Мен қўнигин, тартибли, аниқ исбот билан ишлайдиган одамман. Агар аниқ режа билан ишланса, фуқароларда ҳам ортиқча савол туғилмайди. Асосийси, аҳолиға шаффоф тизимни кўрсатиб бера олсангиз бўлгани.

Артём Секинаев ўз касбини чин кўнғилдан яхши кўради. Қўнқачлик билан одамлар фойдаси учун ҳаракат қилишдан толмайди. Аммо одамларнинг умумий мулкка нисбатан муносабати яхши эмаслигидан ранжийди. Уни ёшларга ўрнатқ буладиган лидер раҳбар, деб ўйлаймиз. Ҳалол меҳнат ва ҳаракатлари сабабли кўплаб давлат мукофотларига ҳам сазовор бўлди. Хусусан, 2016 йили "Ўзбекистон Мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони, 2019 йили "Келажақ бунёдкори" медали, 2023 йили "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочилиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Қаҳрамонимиз ушбу ютуқлари билан ҳар қанча фахрланса, арзийди. Биз эса Артём Секинаев ва унинг заҳматкаш жамоасига ватанимиз ва халқимиз олдидаги салмоқли хизматлари учун чин дилдан миннатдорлик билдирамиз. Келгусидаги ишларда муваффақият ёр бўлишини тилаймиз.

Зеро, қаҳрамон – курашишдан тўхтамайди.

